


Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шарҳи

2022 йил ноябрь




Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент 2022 йил

Аҳолининг инфляцион кутмалари


Ноябрь ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентлариниг келгуси 12 ой учун нархлар ўзгариши бўйича **инфляцион кутилмалари**¹ ўтган ойга нисбатан бироз юқорилаб, 15,3 фоиз атрофида шаклланган бўлса, медиана қиймати² 14,1 фоизгача тезлашди (1-расм).

1-расм. Аҳолининг инфляцион кутилмалари динамикаси, (фоизда)



Келгуси 12 ойда инфляция күрсаткичи жорий даражада ёки ундан юқорироқ бўлишини кутаётган респондентларнинг улуши аввалги ойга нисбатан **9 фоиз** бандга юқорилаган.

2-расм. Инфляцион кутилмаларнинг жорий инфляцияга нисбати (респондентлар улуши, фоизда)




¹ **Инфляцион кутилмалар** – инфляцион кутилмаларнинг турли гуруҳлари бўйича мос жавобни белгилаган респондентлар сонининг ўша жавоблар ўртача қийматига кўпайтмалари йиғиндинсини жами респондентлар сонига нисбати.

² Инфляцион кутилмаларнинг **медиана қиммати** – келгусидаги инфляция бўйича жавоблар вариацион қаторини тенг иккига бўлувчи қиммат.

Ноябрь ойида инфляцияни келгусида **13-16 фоиз** атрофида бўлишини кутаётган респондентлар улуши сезиларли даражада ортган.

3-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг улуши, фоизда)



Келгуси даврда нархларга оширувчи босим қўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида **валюта курсининг қадрсизланиши** (51 фоиз), **ёқилғи ва энергия ресурслари нархининг қимматлашиши** (38 фоиз) таъкидланган (4-расм).

4-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)


Омиллар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь
Валюта курсининг ўзгариши	37	49	54	43	26	25	33	35	42	44	51
Ёқилғи ва энергия ресурслари нархининг қимматлашиши	25	20	18	23	27	27	36	34	27	30	38
Асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши	41	43	49	53	55	56	55	48	42	49	37
Нархларнинг сунъий оширилиши	35	30	37	34	37	41	43	37	31	34	35
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	31	28	23	22	39	34	29	31	28	27	28
Турар жой ва икара тўловларининг ошиши	15	14	11	14	11	11	12	15	18	22	22
Супермаркет ва бозорларда нархлар ўртасидаги фарқнинг юқорилиги	10	11	11	14	14	14	14	11	11	11	11

Шу билан бирга, **асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши** таъкидлаганлар камайган бўлса, **нархларнинг сунъий оширилиши** кўрсатганлар улуши ойга нисбатан бироз юқорилаган.

Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари


Жорий йилнинг ноябрь ойи якунлари бўйича келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича бизнес вакилларининг **инфляцион кутилмалари** ўтган ойга нисбатан бироз ошиб, **14,3 фоизни** ташкил этди, медиана қиймати эса **12,0 фоизни** атрофида шаклланди (5-расм).

5-расм. Тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари динамикаси (фоизда)



Келгуси 12 ойда инфляция кўрсаткичи жорий даражада ёки ундан юқоририоқ бўлишини кутаётган респондентлар улуши ўтган ойга нисбатан ўзгаришсиз қолган (6-расм).


6-расм. Инфляцион кутилмаларнинг жорий инфляцияга нисбати (респондентлар улуши, фоизда)



—♦ Инфляцион кутилмалари жорий инфляциядан юқори бўлган респондентлар улуши

Бир йилдан сўнг инфляция **13-16 фоиз** доирасида бўлишини кутаётган бизнес вакилларининг улуши ортгани ҳолда, **17-20 фоиз** бўлишини таъкидлаганлар камайган (7-расм).

7-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича респондентларнинг тақсимоти (респондентларнинг улуши, фоизда)



Тадбиркор респондентлар томонидан кейинги 12 ойда нархлар ошишига ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт хизматларининг нархлари қимматлашиши (50 фоиз) ҳамда валюта курсининг қадрсизланиши (48 фоиз) ҳамда импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар қимматлашиши (32 фоиз) каби омиллар таъсир этиши мумкинлигини таъкидланлар улуши ошган (8-расм).

8-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)

Омиллар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь
Ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт ҳаражатларининг қимматлашиши	42	36	36	37	25	27	31	29	35	39	50
Валюта курсининг ўзгариши	37	43	51	41	24	19	34	33	39	44	48
Импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар қимматлашиши	20	18	22	14	14	24	28	22	21	21	32
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	26	21	17	21	30	29	23	26	23	22	24
Хориждан хомашё етказиб беришдаги узилишлар мавжудлиги	16	16	22	22	21	22	23	21	19	16	20
Иқтисодиётда рақобат мухитининг ёмонлашиши	16	13	14	14	16	32	33	16	14	13	15
Тижорий бино ва ижара тўловларининг ошиши	13	11	10	9	9	10	12	13	11	11	14